

**ФАРҒОНА ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВ ДИЛШОДБЕК АБДУВАХИДОВИЧ**

**ЛЕКСЕМАЛАР МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХОСЛАНГАН  
СЕМЕМАСИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер тилшунослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation  
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

**Рустамов Дилшодбек Абдувахидович**

Лексемалар миллий-маданий хосланган семемасининг

лингвомаданий тадқиқи ..... 3

**Rustamov Dilshodbek Abduvakhidovich**

Linguo-cultural investigation of national-cultural peculiarized

sememe of lexemes ..... 21

**Рустамов Дилшодбек Абдувахидович**

Лингвокультурологическое исследование семемы национально-

культурной отнесенности лексем ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 44

**ФАРҒОНА ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВ ДИЛШОДБЕК АБДУВАХИДОВИЧ**

**ЛЕКСЕМАЛАР МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХОСЛАНГАН  
СЕМЕМАСИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер тилшунослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil290 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шахабитдинова Шохида Хошимовна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович</b> филология фанлари доктори <b>Саъдуллаева Нилуфар Азимовна</b> филология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_»\_\_\_\_\_2018 йил соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz)).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.М. Искандарова**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**С.О. Солижонов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**С.М. Мўминов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё тилшунослигида семемаларнинг семик тавсифи, уларни денотатив, коннотатив ва функционал семаларга ажратиш, интеграл ва дифференциал семаларни фарқлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилган. XXI аср тилшунослигида тилнинг нутқий воқеланиши, бунда прагматик, шахсий ва миллий омилларни аниқлаш, уларнинг ўрни ва ролини белгилаш муҳим масалалардан бирига айланди. Булар сирасида тилга миллий-маданий бойлик шакли ва миллий-маданий менталликнинг ифодаси сифатида муносабатда бўлиш кучаймоқда. Муайян тил бирликларининг миллий-маданий жиҳатларини тадқиқ этиш хорижий тилларни амалий ўрганишда алоҳида ўрин тутиши дунёдаги етакчи тилшунослик йўналишлари томонидан таъкидлаб келинади. Чунки айнан шу хусусиятларни ўзлаштириш бугунги глобаллашув жараёнида ўта муҳим бўлган миллатлараро мулоқотни сифат жиҳатидан янги, юқори поғонага кўтариш учун асос бўлади.

Жаҳон тилшунослигида турли тизимли тилларда лексемаларнинг миллий-маданий хосланган семемаси уларнинг генетик хусусиятларида ҳам кўзга ташланиши билан бирга турли сўз туркумлари, сўзларнинг бош ва ҳосила семемаларида ўзига хослиги билан ажралиб туриши тавсифланади. Айрим ўзлашма лексемаларда уларнинг илк миллий-маданий семалари кучсизланиб, ўзлаштирувчи халқ менталитети ифодасининг маъновий силжиш натижасида бўртганлигини кўриш мумкин. Бу эса лексемалар семантик структурасини тил ва маданият муштараклиги тамойили асосида тадқиқ қилишни тақозо этади. Янги асрда лисоний белги ва маъно муносабати психик феномен мақомида ўрганилди. Бу инсон омилининг устуворлашаётганлиги ва антропоцентрик ёндашув кучаяётганлигида кўринади. Лексемалар миллий-маданий аспектини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Оксфорд университети (Буюк Британия), Пиза университети (Италия), Шимолий Осетия давлат университети (Россия), Озарбайжон тиллар университети (Озарбайжон), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.<sup>1</sup>

Бугунги кунда тилнинг ички имкониятларини эгаллаш миллий маънавиятни такомиллаштириш ҳамда уни ёшлар онгига сингдиришда алоҳида аҳамият касб этади. «...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»<sup>2</sup>га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Она тилининг миллий маънавиятни юксалтиришдаги ролини кучайтириш эса зиёлилар ва мутахассислар зиммасига қатор вазифаларни юклайди. Яъни «аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг

<sup>1</sup><http://www.unipi.it>; <http://www.dissercat.com>; <http://filologia.su>; <http://www.ccsenet.org/journal/index.php/ijel/article/viewFile/42630/23311>; [http://philjournal.nosu.ru/images/nomera/arxiv2009\\_2014](http://philjournal.nosu.ru/images/nomera/arxiv2009_2014) ва бошқалар.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ([prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137)).

ворислари сифатида она тилимизни авайлаб-асрашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур»<sup>3</sup>. Тил аккумулятив вазифасининг асосий ҳиссаси атов бирликлар (лексемалар, фраземалар, тасвирий ифодалар) зиммасига тушади. Шу боисдан уларда ментал дунёқарашнинг ифодаси бошқа воситалардан кўра ёркинроқ ва тиникроқ ифодаланadi. Бу эса уларнинг семантик структурасининг ўзига хослигида, семик таркибининг хусусиятларида яққол кўзга ташланади. Лексеманинг миллий-маданий мансублигини ифодаловчи семаларни лингвокультурологик аспектда тадқиқ қилиш маънавият масаласи глобаллашган бир шароитда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида лексемаларнинг семантик хусусиятлари ва структурасини ўрганиш тарихи тилшунослик тарихи билан тенгқур дейилса, муболаға бўлмади. Айниқса, у замонавий тилшуносликнинг кейинги тараққиётида А.А.Потебня, Ю.Д.Апресян, А.А.Реформатский, Е.М.Галкина-Федорук, А.Вежбицкая, А.И.Ефимов, Н.Д.Арутюнова, О.И.Глазунова, М.В.Никитин, Дж.Серль, Ю.С.Степанов, Р.Якобсон, О.Н.Лагута ва бошқа олимлар томонидан атрофлича ўрганилган.<sup>4</sup>

<sup>3</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.87.

<sup>4</sup>Потебня А.А. Полное собрание трудов: Мысль и язык. – М.: Лабиринт, 1999. – 300 с.; Апресян Ю.Д. Избранные труды, т.2. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: Школа, 1995. – 767 с.; Апресян Ю.Д. Основания системной лексикографии. // Языковая картина мира и системная лексикография / Отв. ред. Ю. Д. Апресян. – М., 2006. – 912 с; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М., 1976. – 616 с.; Реформатский А.А. Введение в языковедение: Учебник для вузов / Под ред. В. А. Виноградова. 6-е изд. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 536 с.; Галкина-Федорук Е.М. Понятие формы слова // Труды МИ ФЛИ. Т.9. – М., 1941; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1997. – 405 с.; Ефимов А.И. Стилистика художественной речи / А. И. Ефимов. 2-е изд., доп. и перераб. – М.: Московский гос. университет им. М. В. Ломоносова, 1961. – 519 с.; Арутюнова Н.Д. Аксиология в механизмах жизни и языка // Проблемы структурной лингвистики 1982. – М.: Наука, 1984. –С.523; Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки // Вопросы языкознания. 1985, № 3. – С.132; Арутюнова Я.Д. Наивные размышления о наивной картине языка//Язык о языке / Под общ. рук. и ред. Н.Д. Арутюновой. – М.: Языки русской культуры, 2000. –

XX асрнинг 60-йилларига келиб ушбу муаммо доирасида ўзбек тилшунослигида ҳам бир қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Мазкур тадқиқот ишларида ўзбек тилининг семантик сруктураси, полисемия ҳодисалари лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Хусусан, Т.Алиқулов, С.Усмонов, Ш.Раҳматуллаев, О.Азизов, М.Миртожиевлар ўз тадқиқотлари, дарслик ва қўлланмаларида ўзбек тилидаги полисемия ҳодисасининг ўзига хос жиҳатларини атрофлича тадқиқ этишган.<sup>5</sup>

Семасиология ва лексик семантика соҳасида бир қатор ишлар бажарилган бўлишига қарамай, лексема семик таркибида асосий ўринни эгаллайдиган миллий-маданий хосланган семемаларнинг лингвомаданий хусусиятлари ўзининг махсус тадқиқини кутмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети истиқболли режасининг «Ўзбек тилининг системавий ва прагматик тадқиқи» мавзусидаги бандига ҳамда ОТ-Ф8-057 «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» давлат фундаментал тадқиқот лойиҳаси (2007-2011 йй), ИТД-1-57 «Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) давлат амалий илмий-техник тадқиқоти, 2014-2017 йилларга мўлжалланган А-1-39 «Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» (2014-2017 йй.) амалий илмий-техник тадқиқоти, ОТ-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) давлат фундаментал-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳалар асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли системали тиллар лексемалари семантик сруктурасининг миллий-маданий хосланганлигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий-маданий хосланган семема тушунчасини тавсифлаш;  
лексемалардаги миллий-маданий хосланган семемаларни ажратиш мезонларини ишлаб чиқиш;

миллий-маданий хосланган семемаларнинг когнитив сруктурасини очиш ва тавсифлаш;

---

С.719; Глазунова О.И. Русский язык и культура речи: учебник / О.И. Глазунова; ил. В.А. Березина. – М.: КНОРУС, 2012. – 248 с.; Никитин М.В. Основания когнитивной семантики: Учеб. пособие для студентов вузов / – М.: РГБ, 2007. – 277 с.; Серль Дж. Р. Что такое речевой акт?; Косвенные речевые акты; Классификация речевых актов. – В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. – М., 1986; Степанов Ю.С. Семиотика. Антология. – М.: Академический Проект; Екатеринбург; Деловая книга, 2001. – 691 с.; Якобсон Р. Избранные работы по лингвистике. – Благовещенск: БГКим. И.А.Бодуэна де Куртене, 1998. – С.306; Алешина (Лагута) О.Н. Семантическое моделирование в лингвометафорологических исследованиях: На материале русского языка. Дисс... д-ра фил.наук. 2003. – 367 с.

<sup>5</sup> Алиқулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963. № 6; Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. № 4; Абдуллаева Л. Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1965. № 1; Мукаррамов М. Метафора ясовчи ўхшатиш воситаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 2; Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. № 4; Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965.

миллий-маданий хосланган семемаларнинг турли сўз туркумларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлишини асослаш;

миллий-маданий хосланган семемаларнинг таснифини амалга ошириш;  
фёъл туркуми лексемалари миллий-маданий хосланган семемаларининг моҳияти ва турларини аниқлаш, уларнинг лингвомаданий хусусиятларини тавсифлаш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** тилдаги лексемаларнинг семантик структураси танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** лексемаларнинг миллий-маданий хосланган семалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, компонент, лингвокультурологик ҳамда прагматик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

лексемалар миллий-маданий хосланган семемаларининг тил эгалари маданий ҳаёти ҳамда миллий дунёқараши натижаси бўлган лингвомаданий хусусиятлари ва когнитив моҳияти асосланган;

семемаларнинг прагматик имкониятларини намоён этувчи миллий, когнитив жиҳатларини таъминловчи ментал, дискурс қурилишида лексема ўрнини белгиловчи маданий турлари аниқланган;

семемаларнинг миллий ва маданий фарқланиш омиллари аниқланган;

миллий-маданий хосланган семема маъноси нутқий, индивидуал ва окказионал характерга эга бўлиши, давр ўтиши билан ижтимоийлашуви натижасида лисоний сатҳга ўтиши асосланган, лисонийлашув босқичлари очиб берилган;

фёъл туркумидаги миллий-маданий хосланган лексемаларнинг лисоний ва нутқий хусусиятлари дискурсив жиҳати ёритилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

миллий-маданий хосланган семеманинг лисон ва нутқ қарама-қаршилигидаги тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар тилшунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, лексикология ва прагматикага оид назарий ва амалий курсларни ташкил этишда манба бўлиши, дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Таҳлилга тортилган материаллар тилнинг универсал хусусиятларига доир хулосалар қилиш имконини берди. Уларнинг асослилиги методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ҳамда олинган натижаларнинг хорижий мутахассислар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари ҳамда илмий хулосаларидан прагматика ва назарий тилшунослик йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб боришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материаллари тилшунослик ва лингвокультурологияда миллий-маданий хусусиятлар муаммосини тадқиқ этишда ёрдам беради. Шунингдек, диссертация мавзуси доирасида ўтказилган таҳлилларнинг илмий-назарий



хулосалари таълим ва тарбия жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қила олади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан «Нутқ маданияти асослари», «Прагмалингвистика», «Лексикология», «Стилистика» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:**

лексемалар миллий маданий хосланган семемасининг лингвомаданий тадқиқига оид асосий хулосалардан Италиянинг Пиза университети ва «Компьютер лингвистикаси лабораторияси» ҳамкорлигидаги тил корпусини тузиш бўйича олиб борилган «PAISA» номли давлат грантида фойдаланилган (Пиза университетининг 2016 йил 14 декабрдаги маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида яратилган тил корпусига кирган бирликларнинг миллий-маданий тавсифи янада бойиган;

Италиянинг Пиза университети профессори Роберто Перонининг Пиза университети филология, адабиёт ва лингвистика факультети магистрантлари учун маърузаларида диссертациядаги миллий-маданий хосланган семемаларнинг когнитив структураси ҳақидаги материаллардан фойдаланилган (Пиза университетининг 2016 йил 15 декабрдаги маълумотномаси). Натижада маърузаларнинг илмий асосланганлиги ва амалий унумдорлиги ортган;

лексемаларнинг миллий-маданий семемаларини фарқлаш заруриятини асослашда ҳамда феъл туркумини нутқий қўлланилишидаги ўзига хос жиҳатларни тавсифлашда Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида олиб борилаётган «А-1-126. Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компонентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» номли лойиҳанинг нутқий компетенцияни шакллантириш қисмида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 декабрдаги 89-03-3396-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий асосланишига ҳамда илмий материаллар билан таъминланишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 17 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 10 та ҳамда 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола: 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 129 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Сўз семантикасининг миллий-маданий аспектига назарий ёндашув асослари**» деб номланган биринчи бобида тил, маданият ва миллий қадриятлар муштараклиги, сўз семантик структураси ва хусусиятларининг миллий-маданий аспекти тадқиқига оид фикрлар билдирилган.

Тил инсонни тавсифловчи ва фарқловчи асосий воситадир. Лисоний маданиятни миллий маданиятнинг шакли сифатида қараш маданиятшунослик ва халқшуносликда алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, тил ҳар қандай маданиятнинг асоси ва негизидир. Шу маънода тил кишиларнинг олам ҳақидаги умумэтироф этилган тасаввурлари мажмуи сифатида қаралади. Тил ва маданият муштараклиги масаласи бир неча юз йилдан бери олимларни қизиқтириб келади.

Умумий борлиқ ҳодисаларини кўриш, эшитиш ва номлашдаги миллий фарқлар миллий ёки халқ умумий нигоҳининг йўналтирилганлиги билан белгиланади. Албатта, бунда *лакуна* тушунчаси ҳақида гапириш ўринли эмас. Чунки бунда ҳодисанинг зоҳирий белгилари тезда кўзга ташланади ва у қандай «кўринаётганлигидан» қатъий назар, барибир қандайдир бўлмасин, ном қўйилганлигини кўриш мумкин. Бироқ нарса ва ҳодисаларнинг ботиний белгиларига руҳий «назар»нинг йўналтирилган/йўналтирилмаганлиги натижасида аталганлик/аталмаганлик фарқи юзага келади. Натижада бир тилда атовчисига эга бўлмаган ҳодиса иккинчи бир тилда ўз ифодасини топади. Атовчисиз қолган ҳолат эса миллий-ментал лакуна сифатида баҳоланади. Атовчисиз қолган ўрин қандайдир бошқа бирликлар билан тўлдирилади. Масалан, сўз бирикмаси ёки ажралмас бирикмалар шундай вазифани бажариши мумкин. Рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги *старший брат* – elder brother – *ака*, *младший брат* – little brother – *ука* муқобиллари бунга мисол бўла олади. Лекин кўп ҳолларда мазкур тиллар қиёси бундай ҳолат мавжуд бўлмаслигини ҳам кўрсатади. Жумладан, ўзбек тилидаги *хола* ва *амма* сўзларининг рус ва инглиз тилларида айнан муқобиллари йўқлиги бу тилларда миллий-ментал қадриятларга асосланувчи лакуна мавжудлигини кўрсатади. Оламнинг лисоний тасвири тилдаги ифода воситаларининг ўзига хослигида, сўз семантик ва семема семик структурасининг айричалигида кўзга ташланади. Борлиқнинг лисоний тасвирида миллий-ментал асосга эга бўлган миллий-руҳий фаоллик категорияси борлиқ ҳодисаларининг

категориялашуви, таснифи ва концептуаллашувида ҳамда маъно сифатида барқарорлашувида муҳим роль ўйнайди.

Тил ва маданият – серқирра ва ранг-баранг ҳодисалар. Шу боисдан миллий ментал маданиятнинг тил бағридаги ҳолатини «шаклдан маънога» тамойили асосида илмий талқин қилиш ва муайян хулосаларни тақдим қилишда барча томонидан бирдек қабул қилиниши мумкин эмас. Лексема лисоний структурадаги бошқа ифодаловчи бирликлардан маъновий қийматининг юқорилиги ва нисбий мустақиллиги билан ажралиб туради.

Маълумки, сўзнинг маъновий хусусиятларини ўрганиш антик даврларга бориб тақалади. Антик фалсафада номлаш муаммоси ва масаласи, нарса/предмет ва сўз орасидаги боғлиқлик масаласи кун тартибига қўйилган. Улар нарса-предмет ва сўзлар орасидаги боғланишнинг табиий ёки шартли эканлигини тан олиш асосида муҳолифатда бўлишган. Сўз маъноси ва аталмиш орасидаги табиий боғланишларни эътироф этишган олимлар ўзларининг шиорлари сифатида *fuizey* («табиатга кўра») терминини байроқ қилишган. Ифодаловчи ва ифодаланмиш орасидаги табиий боғланишларни инкор этиб, бу боғланишни шартли боғланиш сифатида кўрадиган олимларнинг шиорлари эса *tezey* («келишувга кўра») термини бўлган. Сўз ва маъно муносабати, умуман сўз ҳақидаги Ҳераклит, Эфесский, Александрийский томонидан билдирилган илк қарашлар «сўз ҳақидаги континик концепция» деган номни олиш даражасига етди.<sup>6</sup> Уйғониш даврига келиб, сўз ва маъно, тил ва нутқ масалаларини илмий-идеалистик талқин қилиш борасида бирмунча силжишлар юз берди. «Уйғониш даври лисоний маъно концепцияси» номи билан фаншунослик тарихидан ўрин олган лингвистик қарашлар тизими анча эътиборли эканлиги билан характерлидир. Уйғониш даврида, хусусан, унинг Маърифатпарварлик даврига туташган паллаларида сўз ва лисоний маъно талқини масаласи янгича тус олди. Бу даврда тилшунослик тилни қиёсий-тарихий нуқтаи назардан талқин қила бошлаганлиги сабабли лисоний моҳиятлар тилларнинг ўзаро фарқли ва ўхшаш муносабатлари асосидаги лисоний релятивизм тамойилига кўра ўрганила бошлади. Шу билан бирга, тил илмида диний-идеалистик мағиз ҳам маълум даража ва кўринишда сақланиб қолди. Сўз маъноларини уқиш, идрок этиш ва тавсифлашда мазкур метод асосида шаклланган маъношунослик йўналиши ўз ўрганиш объектининг уч қиррасига асосий диққатини қаратади:

- а) сўз маъносининг тарихий-маданий аспекти;
- б) сўз маъносининг бадиий-эстетик аспекти;
- в) сўз маъносининг фалсафий аспекти.

XIX аср тилшунослиги фан тарихида қиёсий-тарихий тилшунослик номи билан из қолдирди. Вилгельм Ҳумбольдт «...ўзининг кенг лингвистик билимларига асосланиб, жаҳон тилларини классификация қилиб чиққан, ҳар бир тилнинг келиб чиқиши ва морфологик қурилишини ўрганиб, оилаларга

---

<sup>6</sup>Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Лингвострановедческая теория слова. – М.: Русский язык, 1980. – С. 192–193.

ажратган эди».<sup>7</sup> У халқ тили ва халқ руҳи муштараклиги ҳақидаги ғояни илгари суриб, тилшуносликда лингвистик нисбийлик фаразини яратди. У тафаккурнинг умуман тил билан боғлиққина эмас, балки ҳар бир алоҳида муайян тил билан шартланганлигини алоҳида таъкидлайди. Хумбольдт ўзининг «Инсон тиллари тузилишининг фарқлари ва унинг инсоният маънавий тараққиётига таъсири ҳақида» номли йирик асарида «Тил фикрни яратувчи органдир. Ақлий фаолият ва тил яхлит бутунликни ташкил этади»<sup>8</sup> деб ёзган эди.

Олимнинг тил ва тафаккур муштараклиги ҳақидаги қарашлари унинг издошлари томонидан тўлиқ ва ўзгаришсиз қабул қилинди деб бўлмайди. Масалан, А.А.Потебня ўзини Хумбольдтнинг шогирди ва давомчиси дея эътироф этиб, унинг «сўзнинг ички шакли» назарияси таъсирида ўз қарашларини шакллантирди. Олим ташқи ва ички форма тушунчасини янги сўз ва унинг маъносини яратиш билан боғлиқ равишда талқин қилади<sup>9</sup>.

Лисоний белгининг иккиёқлама зиддиятли характери ҳақида Ф.де Соссюр, Б.А.Серебренников, А.С.Мельничук, А.А.Уфимцева кабилар томонидан фикрлар билдирилган. Ф.де Соссюр фикрича лисоний белги онгдаги идеал ҳодиса, маъно ҳам ундан ташқарида эмас. Ч.Пирс, Р.Якобсон, Е.С.Кубрякова, А.А.Уфимцева кабилар лисоний бирликни материал ва маънони идеал ҳодиса сифатида баҳолайдилар.<sup>10</sup> Бизнинг назаримизда, бу икки хиллик гап лисон ва нутқни фарқлаш/фарқламаслик, ажратиш ёки ажратмаслик, сўз лисоний белги ёки нутқий белги ҳақида кетаётганлиги билан боғлиқ.

Тилнинг серқирралиги унинг бошқа ҳодисалар билан ўзаро муносабатининг кўлами ва даражаси билан изоҳланади. Умуман олганда, тил ҳам кўп қиррали ва кўп ўлчамли ҳодиса саналади. Тилшунос Р.Якобсон тилнинг айрим қирралари ҳақида фикр юритар экан, уни муносабатлари нуқтаи назардан «ақлий ва маънавий ҳаёт асоси ва мулоқот воситаси» сифатида баҳолайди<sup>11</sup>.

Тил муносабатлари ўрамида маданият ва муносабат алоҳида марказий ўринлардан бирига эга. Шу боисдан тил ва маданият муносабати бир неча омиллар билан белгиланади:

*биринчидан*, тил мураккаб қурилма бўлиб, у ўзаро инкорни инкор диалектикаси асосида боғланган, лисон ва нутқ сатҳларидан ташкил топган бўлиб, бу сатҳларда маданият турли сифат ва миқдор кўринишларида акс этган;

*иккинчидан*, лисоний сатҳлар турли табиатли бўлиб, маданиятнинг акс этиш даражасига кўра ўзаро фарқланади;

<sup>7</sup>Бу ҳақида қаранг: Комилов Н. Тафаккур қарвонлари: Шарқу Ғарбнинг цивилизациявий алоқалари. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 229.

<sup>8</sup>Иқтибос олинди: Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2012. – Б.65.

<sup>9</sup>Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С. 176.

<sup>10</sup>Кубрякова Е.С. Возвращаясь к определению знака // Вопросы языкознания. 1993. № 4. – С. 18-28.

<sup>11</sup>Якобсон Р. Избранные работы по лингвистике. – Благовещенск: БГК им. И.А. Бодуэна де Куртене, 1998. – С. 306.

*учинчидан*, тил сатҳларининг барчаси ҳам маданий тараққиёт билан бир хил даражада мутаносиб эмаслиги улар орасидаги нисбий мустақилликни бўрттиришга сабаб бўлади;

*тўртинчидан*, миллий маданиятнинг яққол ифодаловчиси бўлган лексик сатҳда ҳам тил ва маданият муштараклиги бир хил эмаслиги тилдаги ўзлашмалар кўлами, шунингдек, универсал лексик ҳодисаларнинг ҳам учраб туриши кабиларда кўзга ташланади;

*бешинчидан*, тилнинг маданиятни ифодалаш хусусиятининг бўрттирилиши оқибатида унга маданият шакли, ёки уни кўп унсурли маданиятнинг муайян қисми деб қарашларнинг устуворлашуви ҳам масалани мураккаблаштиради.

Маданиятнинг тилда категоризациялашуви ва концептуаллашиши борлиқни турли миллий нигоҳларда кўриш билан боғлиқ.

Маданият-тил яхлитлигида уни ташкил этувчи унсурлар (яъни маданият ва тил) ларнинг гетерогенлигини тан олишга, айти шу ҳолат тил ва маданият муносабатини турлича талқин қилишларгача туртки бўлди. Масалан, улардан энг характерлилари сифатида қуйидагиларни санашимиз мумкин:

- 1) тил маданиятдан мустақил;
- 2) тил маданиятнинг узви;
- 3) тил маданиятнинг шакли.<sup>12</sup>

Тил миллатнинг ҳам, шахснинг ҳам барқарор сифатларини англаш, талқин қилиш воситасидир. Борлиқни тил тавсифлайди. Лекин, шу билан бирга, тил – ўзини ўзи тавсифловчи ягона ҳодиса.

Диссертациянинг «**Сўз маъносининг лингвомаданий аспекти**» деб номланган иккинчи бобида тил бирликларининг миллий-маданий компонентлари, сўз, тушунча ҳамда маъно муносабатларида тил ва маданият муштараклиги масалалари ёритилган.

Тил ҳодисаларидаги миллий-маданий яхлитлик ҳақида фикр юритар экан, тилшунос В.Г.Гак бу яхлитликдаги миллий ва маданий унсурларни фарқлаш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича, тилларни қиёслаш жараёнида миллий хусусиятлар очилади.<sup>13</sup> Бизнинг назаримизда, буни «фақат миллий хусусиятлар очилади» тарзида тушуниш ярамайди, негаки тилларни қиёслаш жараёнида маданий хусусиятлар ҳам очилади. Демак, олимнинг фикрини «миллий хусусиятларни аниқлаш учун тилларни қиёслаш омили етарли» мазмунида тушуниш лозим деб ўйлаймиз. Маданий хусусиятларни аниқлаш учун фақат тилларнинг қиёсланиши билан кифояланмай, маданиятларнинг ўзини ҳам қиёслаш зарурдир. *Маданият* тушунчаси *тил* тушунчасидан кенгроқ ва кўламли, шу сабабли маданий концептлар моҳияти миллий тил ва миллий маданиятлар қиёси натижасида очилади.

Тўғри, масалан, миллий ҳодисалар табиий ва маданий кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Шундай миллий ҳодисалар мавжудки, у кўпроқ бир

<sup>12</sup>Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социоллингвистику. – М.: Высшая школа, 1978. – С. 37.

<sup>13</sup>Гак В.Г. Национально языковая специфика меронимических фразеологизмов // Фразеология в контексте культуры. – М.: Языки русской культуры, 1999. – С. 260-261.

халқ ҳаёти, турмуш тарзига кўпроқ дахлдор бўлиб, у миллий-жўғрофий аҳамиятга молик бўлади.

Демак, айтиш мумкинки, маданиятдан холи, соф миллийлик маданий ёндашувдан холилиги билан характерланади. Миллий ходисаларнинг тилдаги соф миллий ифодаларида ҳам шу ҳолат ўз аксини топади. Диссертацияда айтиб ўтилган назарий фикрлар муайян тил бирликлари таҳлили орқали асослаб берилган.

Тил системасида лексик сатҳ номинативлик ва ифодавийлик нуқтаи назаридан марказий ўринни эгаллайди. Тилнинг миллий-маданий хусусияти ҳам, аввало, сўзда мужассамлашади.

Сўз этномаданий илдизга эга. Халқ сўзлар асосида борлиқни онгида акс эттиради, баҳолайди, таснифлайди. Мумтоз ва анъанавий талқинларда ҳам сўзнинг маданий аспектига эътибор устуворлик қилган тадқиқотлар талайгина.<sup>14</sup>

Сўз лингвомаданий аспектда қаралар экан, унда қуйидаги ходисаларга алоҳида эътибор қаратилади ва тилнинг лингвомаданий талқинларида ўрганиш объекти сифатида алоҳида эътиборга олинади:

- фақат бир тилга хос, бошқа тилда аналоглари бўлмаган бирликлар;
- фақат айрим лингвомаданий ҳудудга хос миф ва афсона ифодалари;
- диний тушунча ва тасаввур атовчилари;
- этнографизмлар;
- мақоллар;
- маталлар;
- фразеологизмлар;
- рамз ва мажоз ифодалари;
- образли кўчма маънолар.<sup>15</sup>

Манбаларда лингвомаданий хосланган ифодаларнинг қуйидаги хусусиятлари алоҳида эътиборга олиними лозимлиги қайд этилади:

- ҳосила маънолар;
- окказионал маънолар;
- ясама сўзлар;
- маънонинг миллий концептуал ядроси;
- ифодавийлик;
- узуал ва окказионал боғланишлар;
- парадигматик муносабатлар;
- асосициатив хусусиятлар.<sup>16</sup>

<sup>14</sup>Верещагин Е.М., Костомаров В.Т., Лингвострановедческая теория слова. – М.: Русский язык, 1980; Воробьев В.В. О понятии лингвокультурологии и ее компонентах // Язык и культура: Вторая международная конференция. Киев, 1993. – С. 42-48; Кабакчи В.В. Основы англоязычной межкультурной коммуникации. – СПб.: РГПУ им. А.И.Герцена, 1998; Ладо Р. Лингвистика поверх границ культур // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXV. – М.: Прогресс, 1989. С. 32-62; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1992. – 319 с.

<sup>15</sup>Апресян Ю.Д. Избранные труды, Т.2. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: Школа, 1995. – С. 645-646.

<sup>16</sup>Березович Е.Л. Русская топонимия в этнолингвистическом аспекте. – Екатеринбург, 2000. – С. 34.

Умуман олганда, тил ва маданият яхлитлиги муаммосига бевосита ёки билвосита дахлдор лексик-семантик ҳодисаларни фарқлаш ҳамда уларни дахлдорлик хусусиятларига кўра даражалаш, таҳлилни унга мақсадли ва онгли уқилган натижа мўлжали асосида йўналтириш тақозо қилинади.

Демак, лексик ҳодисаларни лингвокультурологик талқин қилишда миллий хусусиятлари бўртиб турган ва миллий-ментал жиҳатлар яхлитлигини ўзида акс эттирадиган турларини фарқлаш зарурати мавжуд. Кўринадик, лингвомаданий талқин учун тил ҳодисасини танлаш муаммоси мавжуд бўлиб, ўрганиш объекти қамровининг кенглиги, шунингдек, тил ва маданият муштараклиги ҳар қандай тилнинг бошидан охиригача «қизил чизик» бўлиб ўтганлиги масалани ўта мураккаблаштиради.

Сўзнинг маданий хусусиятлари унинг семантик структурасини тўлиғича қамраб олиши ёки унинг бирорта семемасида, ёхуд семеманинг бирор тур, яъни денотатив, коннотатив ёки вазифа семаларидан бирида намоён бўлиши мумкин. Айтилган фикрлар диссертацияда аниқ мисоллар билан далилланган.

Тилшунослик фан сифатида шакллангандан буён унда сўз муаммоси муҳокама қилинади. Бизнинг талқинимиздаги тил ва маданият муштараклиги кўзгусида тушунча ва маъно муносабати янада долзарблашди. Бу долзарблик қуйидаги саволларнинг фаоллашганлиги билан белгиланади:

1. Сўз маъно ифодасими ёки тушунча?
2. Маъно миллийми ёки универсал?
3. Миллийлик тушунчага хосми?

Борлиқ миллий нигоҳ асосида қабул қилинади. Турли миллатлар бир борлиқ ҳодисасида турли жиҳатларни кўрадилар.

Сўз ва тушунчанинг қайси бири олдин пайдо бўлганлиги муаммоси онтологик аҳамиятга эга. Сўз ва тушунча асимметрик диалектик муносабат асосида боғлангандир. «Ҳар бир лексема лисоний бирлик сифатида мазмун мундарижасига ҳам эга. Лексеманинг мазмун мундарижаси денотат ёки референт деб аталадиган борлиқдаги нарса, ҳаракат, белги, миқдор кабиларни ифодаладиган тушунчаларни англатади. Масалан, борлиқда юз деб аталувчи киши бурни икки томонининг пешонадан ияккача бўлган қисми мавжуд. Шу асосда киши онгида «юз» тушунчаси вужудга келган. Мазкур тушунча асосида эса семема (лексема маъноси) шаклланади. Тушунча билан маъно битта нарса эмас, улар фарқланади. Масалан, инглиз, рус ва немис тилида сўзлашувчи кишиларнинг онгида «ака» ва «ука» тушунчалари мавжуд. Бироқ бу тушунчалар *brother* (инглиз), *брат* (рус) ва *bruder* (немис) лексемаларида битта маъно (семема)да бирлашган. Ёки *юз*, *бет*, *башара*, *чеҳра*, *ораз* лексемалари битта тушунчани ифодалайди, лекин маънолари ўзаро фарқланади.»<sup>17</sup>

<sup>17</sup>Сайфуллаева Р., Менглиев Б, Бокиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010. – Б. 49.

Ўзбек тилшунослигида тасаввурлар асосида тушунча ва тушунча асосида маъно шаклланиши қатор манбаларда эътироф этилган.<sup>18</sup> Рус тилида яратилган жаргон луғатларининг бирида шаҳар тили жаргонларининг морфологик (қайси сўз туркумига мансублиги, сўзнинг грамматик категориал белгилари: феълларнинг ўтимли-ўтимсизлиги, отларнинг роди), синтактик (бирикувчанлик) хусусиятлари, кўлланиш табиати (нутқнинг турига кўра: ҳазил-киноявий, бетакаллуф, кулгили; социал белгилари: ёшлар нутқиға хос, маълум бир касбагиларға хос), маъноси, бўёғи, ифодавийлиги, деривацион хусусиятлари, келиб чиқиши, шаклий ва маъновий системаси кабилар эътиборға олинган. Масалан:

**ЛОПУХНУТЬСЯ**, -нусь, -нешься.

**Морф.:** глаг. неперех., только СВ. Преим. в прош.вр.

**Употр.:** грубовато; шутл.-фамильярно.

**Знач.:** ошибиться, сделать глупость, попасть впросак.

**Коннот.:** связь со словом *лопух* «простофиля».

**Сочет.:** с наречиями степени: *здорово лопухнулся*.

**Примеры:** 1. *В 1841 году Николай I здорово лопухнулся, подписав в Лондоне конвенцию о нейтрализации морских проливов* (КП 05.05.94). 2. *Ну я лопухнулась, думала, что иностранец* (ЛГ 06.09.94); 3. *Ну а как Москва-то с Кучмой лопухнулась* (1Ш 24.03.95). 4. *...начальство на всех уровнях сподозрением относилось к комедии как к таковой, боясь проморгать аллюзии прочую эзоповщину и лопухнуться перед вышестоящими* (НГ 23.04.98).

**Синонимы:** ЛАЖАНУТЬСЯ, ПРОКОЛОТЬСЯ.

**Гнездо:** *Пролопухать*.

**Происходж.:** Суффикс, производное от прост. лопух «простофиля», «глупый человек»: *лопух+ну(ться)*.<sup>19</sup> Бу ҳолат миллий-маданий муҳитнинг объектив тил ходисаси бўлган жаргонларға муносабатининг турличалиги билан белгиланади.

Этнотафаккур метафорик ифодаларда яққол кўзга ташланади. Масалан, ўзбек тилида одамнинг чиройли кўзлари қуралайнинг кўзларига қиёсланади. Қирғизлар эса инсоннинг чиройли кўзлари учун қиёс объекти сифатида сигирни (*Уй көз*) танлашган, инглизларда бу ҳолатда юлдуз (*star*) ифодаси кўлланилади. Ўзбеклар ёш боласини кўзичокқа қиёслаб эркалатса, рус миллий-маданий муҳитида «поросёнок» ва инглизларда «sweet child» ифодалари устувордир. Бу ифодаларнинг замирида тушунчаларнинг ҳар хиллиги ётади.

Диссертациянинг «**Феъл лексемаларнинг миллий-маданий хосланган маъновий хусусиятлари ва уларнинг когнитив асослари**» деб

<sup>18</sup>Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б.18.

<sup>19</sup>Ермакова О.П., Земская Е.А., Розина Р.И. Слова, с которыми мы все встречались: Толковый словарь русского общего жаргона: Ок. 450 слов / Под общим руководством Р.И. Розинной. – М.: Азбуковник, 1999. – С. 98-99.



номланган учинчи бобида феъл лексемалар семантик структурасининг лингвомаданий моҳияти ва когнитив жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Тилшуносликда феъл категориясига мансуб лексемаларнинг ўрганилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уларни морфологик, семантик, стилистик, валентлик хусусиятлари талқинлари бўйича гуруҳлаш мумкин. Диссертацияда шу доирада олиб борилган ишлардаги қарашлар батафсил ёритилган ҳамда уларга муносабат билдирилган.

Тил ифодалари заминида уқиладиган билим унсурлари, одатда, фрейм деб аталадиган ўзига хос мажмуа, ақлий яхлитлик, билим ёки когнитив тизимда мавжуд бўлади. Ҳар бир мустақил сўз туркумига оид бирлик маъно ифодалаши ва тушунчага дахлдор бўлиши билан бирга концепт сифатида ҳам намоён бўлади. Шу маънода феъл туркумига оид сўзлар бу сирада бош туркум бирликларидан когнитив мундарижасининг ўзига хослиги билан характерланади. Мисол сифатида *ишламоқ* феълени олайлик. ЎТИЛда бу феълнинг қуйидаги маънолари ажратилган:

- 1) «иш билан машғул бўлмоқ», «меҳнат қилмоқ».
- 2) «бирор лавозимда фаолият кўрсатмоқ», «хизмат қилмоқ».
- 3) «ишлов бермоқ».
- 4) «ижод этмоқ», «яратмоқ».
- 5) «ҳаракатда бўлмоқ, юрмоқ, юриб турмоқ», «амал қилмоқ».
- 6) «хизмат қилмоқ», «фаолият кўрсатмоқ».
- 7) «ўз вазифасини нормал бажармоқ».
- 8) «меҳнат қилиб топмоқ».<sup>20</sup>

*Ишламоқ* феъли «фаолият» концептосферасининг моҳиятини ташкил этиш ва очишга хизмат қилади, шунинг учун мазкур концептосферани ташкил этувчи «меҳнат», «ҳаракат», «амал» концептлари каторида туради. Назаримизда, концепт семемаларда мужассамланган тушунча асосидаги билимлар фрейми орқали реаллашганлиги каби бу фреймларнинг моҳияти семема семаларида когнитив мундарижанинг семантик «қуйқаси» кўринишида акс этади.

Умуман олганда, феъллар семантикасида мураккаб, кўп қиррали когнитив мундарижа акс этади.

Тилдаги феълларни семантик структурасининг миллий хосланганлиги нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- семантик структураси тўлиқ миллий хосланган феъллар;
- айрим семемаси миллий хосланган феъллар;
- бирор семаси миллий хосланган феъллар.

Сўзда борлиқни англаш ва унга муносабатни ифодалашнинг ранг–баранг шакллари кодланган бўлади. Улар руҳий ҳолат ва кайфиятни намоён қилувчи воситалар ҳисобланади. Сўзлар миллатнинг борлиқни кўриш ва онгда акс эттириш натижаси ва воситаси сифатида намоён бўлади.

<sup>20</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2– жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 256.

Инсонда нафрат ёки муҳаббат, меҳр шунчаки содир бўладиган ҳодиса эмас. У бутун бошли сценарийни ташкил қилади ва шунинг учун ундаги ҳар бир этап ва унда шахснинг роли катта аҳамиятга эга. Юқоридаги бочкичларда миллий, этник, шахсий характер ва руҳий ҳолатни «ўзини тутмоқ» архисемали феъллар ифодалайди. Нафратга реакция (муносабат)ни ифодаловчи «ўзини тутмоқ» архисемали феъллар уч гуруҳга бирлашади:

